

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2025 йил 5 июнь куни, Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси шу суд биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи Х.Бердикличев,

ҳайъат аъзолари судьялар А.Аметов ва Ж.Уразбаевлардан иборат таркибда судья катта ёрдамчиси Б.Арисовнинг котиблигида, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори А.Ниязимбетов, судланувчи М.Ваисов ва унинг ҳимоячиси адвокат К.Раимбеков, судланувчи М.Каримов ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Уразумбетова ҳамда ҳимоячиси деб топилган ўғли Ф.Каримовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Беруний туман судининг 2025 йил 23 апрелдаги Ваисов Марат Машарипович ва Каримов Махмуд Рахимовичга нисбатан чиқарилган ҳукми устидан адвокатлар К.Раимбеков ва Д.Уразумбетовалар томонидан берилган шикоятларга асосан жиноят ишини видеоконференцалоқа режимида апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

жиноят ишлари бўйича Беруний туман судининг 2025 йил 23 апрелдаги ҳукмига кўра,

Ваисов Марат Машарипович, 1974 йил 24 сентябрда Беруний туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 3 нафар вояга етмаган фарзанди бор, мавсумий ишчи, судланмаган, Беруний тумани Лолазор МФЙ, Ж.Неру кўчаси, 176-уйда яшаган, иш бўйича 2024 йил 22 сентябрдан 2024 йил 5 ноябргача уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган, 2024 йил 6 ноябрдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, ҳукм нусхасини ўз вақтида олган;

Каримов Махмуд Рахимович, 1961 йил 12 июлда Нукус туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, нафақада, муқаддам:



1) жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа тумани судининг 2007 йил 31 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича Тахтакўпир тумани судининг 2012 йил 4 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддасининг 5-қисми, 273-моддасининг 4-қисми, 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 7 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди апелляция инстанциясининг 2012 йил 15 ноябрдаги ажримига кўра, суд ҳукми ўзгартирилиб, тайинланган жазо 6 йилга келтирилган, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар судининг 2014 йил 3 апрелдаги ажримига кўра, ЖК 74-моддасининг “в” банди қўлланиб, ўталмай қолган 1 йил 4 ой 29 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, Тўрткўл тумани “Беруний” МФЙ, Абатлик кўчаси 10-уйда рўйхатда туриб, Эллиққалъа тумани, Сарабий ОФЙ, Саҳобат кўчаси, 1-уйда яшаган, иш бўйича 2024 йил 8 сентябрдан қамокқа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, ҳукм нусхасини ўз вақтида олган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Ваисовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилиниб, шу модда билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида М.Ваисовнинг 2024 йил 22 сентябрдан 2024 йил 5 ноябргача эҳтиёт чораси сифатида уй қамокда сақланган 1 ой 14 кунининг ҳар бир куни озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилиб, узил-кесил ўташ учун 4 йил 10 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилган.

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўтиши, жазони ўташ муддати 2024 йил 6 ноябрдан бошлаб ҳисобланиши белгиланган.



М.Каримовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташи, жазони ўташ муддати 2024 йил 8 сентябрдан бошлаб ҳисобланиши белгиланган.

Суднинг ҳукмида қайд қилинишича, М.Ваисов 2024 йил 8 август куни соат 15:00 ларда Тўрткўл тумани, Дўстлик МФЙ ҳудудидан ўтувчи А-380 автомобиль йўли бўйида ўзининг таниши бўлган М.Каримовдан соф вазни 0,18 граммни ташкил қилувчи кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, шу куни Бегуний тумани, У.Жуманиязов МФЙ ҳудудидаги “Рабат Тоқабаев” номли балиқчилик кўли ёнида жойлашган уйчага борган вақтида, Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармаси, ДХХ ва ИИБ ходимлари томонидан ушланган ҳамда шу жой кўздан кечирилганида М.Ваисов ўтирган жойдаги гилам устида “СПИЧКИ” ёзувли гугурт қутисининг ичида 3 дона шаффоф рангли целлофан пакет бўлақларига ўралган, ўткир ҳидли, оқимтир-сарғиш рангли, соф вазни 0,18 граммни ташкил қилувчи кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда сақлаб юрганлиги аниқланган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 8 август кунги 992-сонли ҳулосасида ашёвий далил тариқасида олинган, “СПИЧКИ” ёзувли гугурт қутиси ичидан чиққан 3 дона шаффоф рангли целлофан пакет бўлақларига ўралган, ўткир ҳидли, оқимтир-сарғиш рангли, кристалл туйир аралаш моддаларнинг таркибида фаол гиёҳванд модда – диацетилморфин мавжуд бўлиб, бу модда **героин** деб аталиши ва унинг соф вазни 0,18 граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

М.Ваисов кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда сақлашдан иборат бўлган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилган.

Судланувчи М.Каримов дастлабки тергов давомида аниқлаш имкони бўлмаган “Эшон бобо” лақабли шахсдан олган жами 0,72 грамм кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасининг бир қисмини, яъни 0,18 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини 2024 йил 8 август куни соат 14:30 ларда ажратиб олиб, 3 дона шаффоф рангли целлофан пакет бўлақларига ўраб, Тўрткўл тумани, Дўстлик МФЙ ҳудудидан ўтувчи А-380 автомобиль йўли бўйида таниши М.Ваисовга 1.000.000 сўмга сотган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 8 август кунги 992-сонли ҳулосасида ашёвий далил тариқасида олинган, “СПИЧКИ” ёзувли гугурт қутиси ичидан чиққан 3 дона шаффоф рангли целлофан пакет бўлақларига ўралган, ўткир ҳидли, оқимтир-сарғиш рангли, кристалл туйир аралаш моддаларнинг таркибида фаол гиёҳванд модда – диацетилморфин мавжуд бўлиб, бу модда **героин** деб аталиши ва унинг соф вазни 0,18 граммга тенг эканлиги кўрсатилган.



Бундан ташқари, судланувчи М.Каримов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, дастлабки тергов давомида аниқлаш имкони бўлмаган “Эшон бобо” лақабли шахсдан олган ва жами 0,72 грамм кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадини кўзлаб, шундан 0,15 грамм бўлган кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини ажратиб олиб, ушбу ажратиб олган 0,15 грамм кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини 2024 йил 9 август куни соат 16:10 ларда такроран қонунга хилоф равишда ўзининг бошқарувидаги давлат рақами 95 Р 485 ЈА бўлган, “Нексия-3” русумли автомашинаси билан Тўрткўл тумани, Дўстлик МФЙ ҳудудига бориб, у ерда таниши М.Ваисовга 0,15 грамм кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини 1.200.000 сўмга сотган вақтида Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармаси, ДХХ ва ИИВ ходимлари томонидан ушланган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 10 август кунги 993-сонли хулосасида, М.Каримов томонидан М.Ваисовга сотган ва М.Ваисов томонидан тақдим қилинган бир дона қоғоз парчасига ўралган ўткир ҳидли, оқ-сарғиш рангли, кристаллсимон туйир аралаш модда таркибида фаол диацетилморфин борлиги, бу модда **героин** гиёҳвандлик воситаси ҳисобланиши, мазкур гиёҳвандлик воситасининг соф вазни 0,15 граммни ташкил қилиши кўрсатилган.

М.Каримов гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотишдан иборат бўлган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилганликда айбли деб топилган.

Бундан ташқари, М.Каримов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, дастлабки тергов давомида аниқлаш имкони бўлмаган “Эшон бобо” лақабли шахсдан олган ва сотиб ўтказгандан қолган жами 0,57 грамм кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини такроран қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадини кўзлаб, бир дона “СПИЧКИ” ёзувли гугурт қутиси ичига солиб, ўзининг бошқарувидаги давлат рақами 95 Р 485 ЈА бўлган, “Нексия-3” русумли автомашинасининг салон қисмидаги қўл тормози ёнида сақлаб қўйганлиги аниқланган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 10 август кунги 993-сонли хулосасида М.Каримовнинг автомашинасидан ашёвий далил тариқасида олинган бир дона фольга қоғози бўлагига ўралган ва бир дона қоғоз бўлагига ўралган ўткир ҳидли, оқ-сарғиш рангли кристаллсимон туйир аралаш модда таркибида фаол диацетилморфин борлиги, бу модда **героин** гиёҳвандлик воситаси ҳисобланиши, бир дона фолбга қоғози бўлагига ўралган гиёҳвандлик воситасининг соф вазни 0,23 граммни, бир дона қоғоз бўлагига ўралган гиёҳвандлик воситасининг соф вазни 0,34 граммни ташкил қилиши қайд қилинган.

М.Каримов кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда сақлашдан иборат бўлган



ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилган.

Адвокат К.Раимбеков апелляция шикоятда биринчи инстанция судининг ҳукмидан норозилик билдириб, М.Ваисов ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан асоссиз равишда айбли деб топилгани ҳақида важлар келтириб, унинг ҳаракатларини ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандига қайта квалификация қилиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган енгил жазо тайинлашни сўраган.

Адвокат Д.Уразумбетова апелляция шикоятда биринчи инстанция судининг ҳукмидан норозилик билдириб, М.Каримов ушбу жиноятни ғаразли ва паст ниятларда, яъни даромад олиш мақсадида содир қилмагани, унинг ўзи ҳам гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиши ҳақида важлар келтириб, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, нафақада эканлигини, бундай жиноятни содир қилишида моддий манфаат кўриш учун ҳеч қандай асос йўқлигини инobatга олиб, жиноят ишлари бўйича Беруний туман судининг 2025 йил 23 апрель кунги ҳукмини ўзгартириб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда М.Каримовга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Х.Бердикличевнинг маърузасини, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори А.Ниязметовнинг биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, берилган шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, судланувчи М.Ваисов ва унинг ҳимоячиси адвокат К.Раимбековнинг шикоятни қаноатлантириб, унинг ҳаракатларини ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” бандига қайта квалификация қилиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қамоқ билан боғлиқ бўлмаган енгил жазо тайинлаш ҳақидаги, судланувчи М.Каримов, унинг ҳимоячиси адвокат Д.Уразумбетова ҳамда ҳимоячиси Ф.Каримовнинг апелляция шикоятини қаноатлантириб, жиноят ишлари бўйича Беруний туман судининг 2025 йил 23 апрель кунги ҳукмини ўзгартириб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги, фикрларини тинглаб, шикоятларда келтирилган важларни ўрганиб, жиноят иши материалларини текшириб, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, берилган апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ, жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибда баҳоланган далиллар билан асослантирилган.



Суд ҳукмида ЖПКнинг 457-моддасида назарда тутилган ҳал қилиниши лозим бўлган барча ҳолатлар чуқур ўрганилиб, улар юзасидан тегишли хулоса берилган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан судланувчи М.Ваисов ва М.Каримовнинг айблари уларнинг ўз айбларига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, жиноят ишида мавжуд бўлган кўздан кечириш ва ашёларни олиб қўйиш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар, суд-кимёвий экспертизасининг хулосалари, М.Ваисовга М.Каримовдан героин гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш учун 1.200.000 сўм пул бериш ҳақидаги баённома, гиёҳвандлик воситасини ашёвий далил сифатида олиш ҳақидаги баённома ва жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан М.Ваисовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан, М.Каримовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан М.Ваисовга жазо тайинлашда Олий суди Пленуми қарорининг юқоридаги талабларига риоя қилиниб, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, илгари судланмаганлигини, 3 нафар фарзанди борлигини инobatга олиб, у айбли деб топилаётган ЖК моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазони тайинлаш ҳақида, шунингдек, М.Каримовга жазо тайинлашда, унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, 64 ёшда эканлигини, нафақада эканлигини, 3 нафар фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, шунингдек, жиноятни такроран содир этганлигини, содир қилган жиноятининг хусусияти ва хавфлилик даражасини инobatга олиб, у айбли деб топилаётган ЖК моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазони тайинлаш ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Шунга кўра, судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁶⁻¹⁸, 497²⁶, 497³¹-моддаларига риоя қилиб, судлов ҳайъати



а ж р и м қ и л д и:

жиноят ишлари бўйича Беруний туман судининг 2025 йил 23 апрелдаги Ваисов Марат Машарипович ва Каримов Махмуд Рахимовичга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Қорақалпоғистон Республикаси судига тафтиш тартибида шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи	имзо	Х.Бердикличев
Ҳайъат аъзолари:	имзо	А.Аметов
	имзо	Ж.Уразбаев

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

судья Х.Бердикличев

